

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 29 март  
сешанба  
№ 11 (1319)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan

- Энг сўнгги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



Шу сонга хабар



## “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УЙИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий-ҳуқуқий базанинг тизимли шакллантирилишини ташкил этиш муҳим вазифалардан биридир. 2021 — 2023 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида Ўзбекистон Республикасининг аъзолиги самарали амалга оширилишини таъминлаш белгиланган эди. Шу мақсадда жорий йил 25 мартда Президентимизнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Қарор билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази — “Инсон ҳуқуқлари уйи” ташкил этилди.

Шунингдек, Марказнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий-ҳуқуқий базани тизим-

лаштириш, ўқув, илмий-услубий ва оммабоп нашрлар ҳамда халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги тўпламлари доимий чоп этилишини таъминлаш белгиланди.

Эндиликда Марказда инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид ислохотларнинг хронологиясини юритиш, фуқаролар ва илмий тадқиқотчиларга инсон ҳуқуқлари бўйича тизимлашган илмий-ҳуқуқий манбалардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилади.

Ўз навбатида, Марказ ходимларини рағбатлантириш чоралари ҳам кўрилади. Юқори касб маҳоратига эга бўлган ҳамда Марказ фаолияти самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшаётган ходимларни янада рағбатлантириш мақсадида Адлия органилари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизи миқдориде Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ташкил этилди. Махсус фонд маблағлари Марказ ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

27 МАРТ куни Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахсларни оммавий равишда спортга жалб этиш, уларнинг соғлигини яхшилаш мақсадида Адлия вазирлиги Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси билан ҳамкорликда “Биз биргамиз!” ижтимоий лойиҳаси доирасида “Чексиз имкониятлар марафони”ни ўтказди.

## ЧЕКСИЗ ИМКОНИАТЛАР МАРАФОНИ



Марафонда ногиронлиги бўлган 100 га яқин шахслар иштирок этди. Уларнинг рўйхати Ўзбекистон ногиронлар, Кўзи оқизлар ва Карлар жамиятлари томонидан тақдим этилган номзодлар ҳисобига шакллантирилган.

Мазкур турдаги, яъни Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида номинацияларга эга бўлган марафон илк марта ўтказилди.

Марафонда кўришда ва эшитишда нуқсон бор ҳамда бошқа турдаги жисмонан имконияти чекланган шахслар учун жами уч турдаги номинация бўйича иштирокчилар 1-3 ўрин ҳамда марафоннинг энг ёш, энг ёши улуг иштирокчи номинацияларида тақдирланди.

Ушбу марафон ШОС халқаро ярим марафони ва Тошкент “Наврўз” марафони билан ўтказилди. Марафон иштирокчилари ўртача 50-150 минг сўмга бадал тўлаб иштирок этаётган бўлса, имконияти чекланганлар учун иштирок этиш бепул қилиб берилди.

Бундан ташқари, тадбир иштирокчиларининг барчасига алоҳида тадбир учун махсус тайёрланган эсдалик медаллар топширилди.

Шунингдек, тадбир давомида “Биз биргамиз!” ижтимоий лойиҳасининг илк хайрия тадбирларидан бири ногиронлиги бўлган шахслар томонидан тайёрланган махсулотларнинг савдо ярмаркаси ташкил этилган бўлиб, бунда ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ўз уйларида тайёрланган хунармандлик махсулотларининг савдоси амалга оширилди.

Адлия вазирлиги  
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими



ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ  
ТОМОНИДАН ЯНГИ ТАХРИРДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
МЕХНАТ КОДЕКСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Янги тахрирдаги Меҳнат кодексига қандай янгилик ва ўзгаришлар бор?

- Аввало, ушбу кодекс ҳаволаки нормалардан ҳалос этилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган хусусиятга эга бўлиб, қўшимча қонун-ости ҳужжатларни қабул қилишни талаб қилмайди;
- иш берувчи субъектлар сифатида нафақат ташкилотлар, балки уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, жисмоний шахслар ҳам белгиланмоқда;
- меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликка оид алоҳида бўлимда мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий асоси очиб берилмоқда;
- шахсий меҳнат муносабатлари тушунчаси, субъектлари ва вужудга келиш асослари;
- иш берувчининг иш билан таъминлаш ва бандлик соҳасидаги мажбуриятлари;
- ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш;
- хизмат текшируви;
- ишлаб чиқаришдаги таълим шартномаси;
- ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг характери ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ меҳнатни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- ходим меҳнатининг характерига кўра тартибга солиш хусусиятлари, микрофирмалар ва иш берувчи — жисмоний шахсларда ишлайдиган шахсларнинг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари;
- ходимларнинг ўз меҳнат ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши;
- меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларини ўз ичига олган бошқа ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текшириш каби нормаларни янгилик сифатида эътироф этиш ўринли.

Бугунги рақобат муҳитида вужудга келаётган меҳнат муносабатлари иштирокчилари бўлган иш берувчи ва ходим ўртасидаги ўзига хос муносабатларни эътиборга олган ҳолда илгари ҳуқуқий тартибга солинмаган масофадан ишлаш, касаначилик, вахта услубида ишлаш, тиббиёт ходимлари, педагог ходимлари, спортчиларни, яъна тартибдаги тадбиркорларда, алоҳида жисмоний шахсларда ёлланиб ишлаётган (уй хизматчилари, шахсий ҳайдовчи, энага, ошпаз ва бошқаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи нормалар ўз ифодасини топди.

Шунингдек, янги тахрирдаги кодексда аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнини, электрон меҳнат шартномаларини тузиш, электрон меҳнат дафтарчаларини юритиш жараёнини ягона миллий меҳнат тизимида рақамлаштириш билан боғлиқ механизмни назарда тутувчи нормалар ҳам белгиланди.

Шу билан бирга, амалдаги Меҳнат кодексидagi "Давлат ижтимоий сугуртаси" номли боб янги тахрирдаги кодексга киритилмаганилигини ҳам янгилик сифатида эътироф этиш мумкин.

Хуршидаҳон БУРХАНХЎЖАЕВА,  
ТДЮУ Меҳнат ҳуқуқи кафедраси доценти,  
юридик фанлар номзоди

2022 йил 1 апрелдан  
ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР  
ЎЗГАРМОҚДА?

## НАФАҚАЛАР ОШИРИЛДИ

НОГИРОНЛИГИ бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлайётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажга тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 минг сўмдан 622 минг сўмгача оширилди. Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вақилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида нафақа тўлови жорий этилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ  
КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Ўзгалар парваришига муҳтож болалар тўғрисидаги маълумотлар Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўзаро электрон ҳужжат алмашинуви орқали бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига электрон шаклда тақдим этиб борилади.

Парваришlash нафақаси фуқароларнинг давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қилган мурожаатлари асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

СУБСИДИЯ МИҚДОРИ  
ОШИДИ

2022 йилда субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилади. Тадбиркорликни янги бошлаётган хотин-қизларга

ажратилаётган субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилди.

"Хунарманд" уюшмаси қошидаги хунармандчилик марказларида камида 40 фоиз тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилиши белгиланди.

ИЖАРА УЧУН  
КОМПЕНСАЦИЯ

Энди ижарада турган "Аёллар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга ижара тўловининг 50 фоизи, кўпи билан 500 минг сўмгача компенсация берилади.

Шунингдек, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни "Халқпарвар" комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилди.

БОҒЧА ТЎЛОВИДА  
ИМТИЁЗ

Боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг фарзандлари давлат боғчаларига тўланадиган ота-оналар бадалидан озод қилинди. Уларнинг 3 ёшгача фарзандлари учун нодавлат боғчаларга бюджетдан субсидиялар ажратиладиган бўлди.

Тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат боғчаларига 2 ёшдан 3 ёшгача болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга рухсат берилди.

Кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз ҳузурида боғча ташкил қилганда, улардаги тарбиячиларнинг иш ҳақи бюджетдан қўллаб-қувватланадиган бўлди.

АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ  
ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

Судлар томонидан чиқарилган никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлик тўғрисидаги қарорлар

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборот тизимидан онлайн режимда Давлат хизматлари агентлигининг ахборот тизимида ҳамда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида ушбу қарорлар чиқарилган кунда қабул қилиниши йўлга қўйилмоқда.

Бунда, суднинг қарорларига мувофиқ болаларнинг ота, она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс қарамоғида қолдирилганлиги ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар ва болалар тўғрисидаги маълумотлар бўйича ўзаро электрон ахборот алмашинуви таъминланади. Бу эса аҳолига қулайлик яратади, овоғарчиликларнинг олди олинади.

## КЕКСАЛАРГА ЁРДАМ

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштирилиши белгиланди.

Жорий йил 1 апрелдан шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга рецептга асосан 3 ойлик эҳтиёж асосида дорилар, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади ҳамда жаррохлик амалиётларининг харажатлари қопланади.

Оғир ташхисли касал ҳамда ногирон кексаларга шифокорлар рецептларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизгача суммаси компенсация қилинади.



## БЕПУЛ МАДАНИЙ ҲОРИҚ

Энди кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун абонемент харажатлари қопланади.

Давлат театрлари ва музейларига кексалар учун 50% нархларга тўлиқ қўллаб-қувватланади.

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИ  
ОЛИНАДИ

"UzAuto Motors" АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобил-транспорт воситаларини сотиб олиш жараёнида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида "UzAuto Motors" АЖ автомобил-транспорт харид қилиш бўйича шартнома тузган шахсга автоматик равишда расмийлаштириладиган ҳисоб-маълумотни Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йул ҳаракати хизматида фақат электрон шаклда тақдим этиши белгиланди. Бу билан автомобил-транспорт сотиб олиш бўйича шартномаларни бошқа шахсларга сотишининг олди олинади.



## Хизматлар

лицензияланган, аммо...

Баъзи бир шу йўналишда ишлаётган ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар, хусусан, телеграм каналлари, гуруҳларда бўлаётган суҳбатларни беихтиёр кузатиб, очиги, ғашингиз келади. Наҳотки, одам боласи ўзининг йиллар давомида яшаб келган ҳаётидан биргина психологнинг фикри сабабли кечиб кета олса?! Инсон ўзининг шахсий аурасини, айниқса, оилавий муҳитини бегона дунёқараш билан бир зумда ўзгартириши мумкинлигини ҳеч тушуна олмайсиз.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтмасам бўлмайди — кўпчилик психолог (хизматлари лицензияланган!!!) хотин-қизларимизнинг оилавий муаммоларни ҳал қилишда аёлни эгоистликка ўргатиши менга фожиадек бўлиб туюлади.

Миллий менталитетимиз, муқаддас динимизда аёлнинг оиладаги ўрнига алоҳида эътибор бериледи. Қадимдан кўпни кўрган момоларимиз, буви-жонларимиз, онамиздан ўзбек аёли, мусулмон аёл қандай бўлиши кераклиги ҳақида болаликдан сабоқ олиб улғаямиз.

Лекин бугунга келиб хотин-қизларимизнинг кўпчилигига қандай яшашни психологлар ўргатишмоқда. Ҳаммаси замонга яраша бўлади-да, дерсиз. Тўғри, ўта замонавийлашиб кетдик. Ҳатто турмуш қурган қизи уйга қайтиб келса, авваллари ота-онаси маҳалладаги тўй-маъракага боролмай, одамларга қўшиллолмай юрарди, уларди, андиша қиларди. Афсуски, замонавийлик деган янги аъёна келиб, бу андиша пардаси ҳам кўтарилди.

## “Ўғлимга психолог керак...”


Яқинда ишдан кейин бир кечки курсда ўқидим. Уч фарзандли келинчак ҳам биз билан ўқиди. Уй тутуми қандайлиги, қўл-оёғи чаққонлиги қадам бошидан, яхши тарбия қургани шундоққина юз-қўздан, гап-сўздан, ўзини туттишдан кўришиб турибди. Негадир эътибор бермаган эканман, гапирганида бирор нарсадан таъсирланса, қош-қўзлари учиб, юзиди ҳам шундай ҳолатлар кузатиларкан. У билан ақин бўлиб кетдик. Бир куни у менга:

— Ўғлимга психолог керак, ояжон, — деб қолди. Сабабини сўрасам. — Уйдаги жанжалларни кўриб, нотинчликда катта бўлаётти болам бечора. Ишга кираман деб мен шу ерда ўқияман диплом учун. Қўлимда ҳунарим бор. Лекин дипломим йўқ, ўқимаганман. Одам ҳаётининг қандай бўлишини олдиндан билмас экан. Билганимда мен ҳам эртароқ ўқиган бўлардим.

— Нера ундай дейсиз, Сизга қараб, ҳавасим келади, — дедим унинг пазандалигини мактаб, кайфиятини кўтармоқчи бўлиб.

Суҳбатдошимнинг саломатлиги мени ўйлантириб қўйди. Ҳали ўттизга кирмаган аёл... ҳаракатларида инсульт аломатлари сезилиб турибди. Бу дард уни йиқитиши мумкин, ахир! Золим қайноналар ҳақида кўп эшитганману шундай ширинсухан, пазанда, чаққон, очик

**■ БУГУН психология деган соҳа замонавий бизнес ўчоғига айланиб бормоқда. Энг ёмони, психолог таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари юртдошларимиз орасида кўп кузатилмоқда. Психологияга қизиққан бир инсон сифатида замондошларим, айниқса, хотин-қизларнинг “пултопар”лар сиртмоғига тушиб қолаётганига ачинаман, рости.**



# 70 минг сўмлик орзу ПСИХОЛОГИЯ ЎЗИНИ АЛДАШ САНЪАТИМИ?

ЎХУД

юзли, қулиб гапирадиган келинни ёқтирмаслик мумкинми, деб ўйлаб қолдим.

Суҳбатдошим тақдирдан кўп нолимади. Дарсдан кейин шошилганича уйига кетди. Лекин унга психолог излаш масъулияти менда қолганди.

Хуллас, ана шунақа пайтда психологга эҳтиёж пайдо бўлади-да!

Психологлар хизмат нархи билан қизиқдим. Пойтахтимизда бу соҳа анча ривожланганини билардим лекин психолог хизматидан фойдаланишга эҳтиёжим бўлмагани учун ҳеч алоҳида вақт ажратмагандим. Кўз ўнгимда оиласи нотинч, саломатлиги ўзини йиқитар даражага келган аёл турибди. Бир тайинли психолог топсам, деган умидда бўш вақтимда кузатадиган телеграм каналларига мурожаат қилдим.

Сертификат олиш мумкин бўлган психология курсларининг нархлари билан қизиқдик. Уларнинг бирида биринчи босқичи 3 миллион 300 минг сўм, иккинчи босқичи 5 миллион 300 минг сўм экан. Бошқасидаги нарх ҳам бундан қолишмайди.

## “Идеал турмуш ўртоқ...” қанча туради?

Ҳозир аҳоли орасида энг оммалашган телеграм ижтимоий тармоғида бир-биридан ажойиб, антика эълонларга кўзингиз тушади. Масалан, мана бундай:

“Орзуларингиз амалга ошмай, орзулигича қоляптими? Ёки Сиздан узокдами? Унда уларни кодлаштинг ва жуда тезда орзуингизга етишинг. Масалан, пул кодлари — “Доимий даромад”, “Пулларга магнит”, “Чексиз пул оқими”, “Бой ва бадавлатлик”, “Тўқин-сочин ҳаёт”, “Омад ва даромад коди”, “Янги уй учун код”, “Машина учун код”, “Идеал турмуш

ўртоқ учун код”.

Хуллас, хоҳлаган орзуингизни кодлаштиришга бюртма беришингиз мумкин. Нархи 70 минг сўм. Тўловдан кейин паспортингизни юборасиз. Истаган орзуингизни айтасиз.

Фақатгина БУГУН ва ЭРТАГА 3 та код биргаликда чегирма асосида арзон нархда ясаб берилади.

Ҳозироқ мурожаат қилинг”.

Ажойиб эълон-а?! Айниқса, “Идеал турмуш ўртоқ учун код”нинг ясаб берилиши! Бугунги оилавий ажримлар кўпайган замонда-я! 70 минг сўмга идеал турмуш ўртоқ ваъда қилишгапти “учар” психологларимиз!

Қайси соғлом фикрли одам шу гапларга ишонади, амал қилади? Лекин психологларда ишонтириш қобилияти кучли бўлади!

Буниси-ку, арзон, ҳамёнбоп эълон. Мана бунисиға нима дейсиз? Шунақа эълонлар психологика даъвогарларни бемаза қовуннинг уруғидек кўпайтирмаяптими?!

“Бугун ЖУДА КАТТА ИМКОНЯТНИНГ охириги қабул қуни!!!

1 миллион сўм эвазига Профессонал психолог тайёрлаш курсида рўйхатдан ўтинг ҳамда оила ва бола психологияси курсини бепул ютиб олишингиз мумкин бўлади.

4 ТА ҚОНУНИЙ КУЧГА ЭГА ДИПЛОМ ВА СЕРТИФИКАТЛАРНИ КЎЛГА КИРИТИНГ!!!

Ҳаммаси қонуний 100 фоиз ишончли ҳамда сиз ўзингизнинг иш фаолиятингизни бошлашингиз мумкин!!!”

ТВдаги аксарият муносабат билдириладиган дастурларда психолог иштирок этиши одат тусига кириб, кўпчилигимиз таниш чехраларнинг бир хиллик касб этадиган гапларига қизиқиш у ёқда турсин, эътибор ҳам бермай қўйганмиз. Айримларининг гапини эшитиб, психология ўзини алдаш санъати, деган фикрга ҳам келасиз.

Бу мавзуда бекорга фикр билдирмаяпмиз. Бизни ўйлантирган масала — бугун аҳоли орасида профессионаллар қолиб, саводи ҳаминқадар кишилардан наҳот излаётганлар кўпайганлигидир. Профессонал психология ҳақида гап кетганда, оқни қорадан ажратиш учун биргина нейропсихолог профессор Зарифбой Ибодуллаевнинг “Асаб ва руҳият” илмий-тиббий марказини эсга олиш етарли. Билими етарлича бўлмаган психологлар қабулига бориш эса, аслида қассобга ўхшаган чаласавод жарроҳнинг қўлига ўзини топишидек гап!

Айниқса, болалар ва ўсмирлар билан боғлиқ жараёнларда психолог иштироки ҳар қандай онгли кишини ўйлантиради. Руҳий ҳолатидан шикоят қилиб, биз тилга олган непрофессонал психологларга мурожаат қилаётганларнинг аксарияти хотин-қизлардир.

## Психологик иммунитет нима?

Бу ҳақда тажрибали психолог шундай дейди: “Иммунитети паст одам дарров шомоллаб қолади” дейишди. Буни ҳаммамиз биламиз. Психологик иммунитет ҳақида эшитганмисиз?

Сал гапга аразлайдиган, йиғлайдиган ва шу сабабли дарров жанжаллашиб кетадиган одамларнинг психологик иммунитетини ўта паст бўлади. Бундайлар дарров невроз касаллигига чалинишади, депрессияга тушиб қолишади ва бундан психологик ёрдамсиз чиқишга анча қийналишади. Психологик иммунитетни

қандай қилиб ошириш мумкин?

Агар тана иммунитетини жисмоний чиниқиш орқали кучайтирилса, психологик иммунитет руҳиятни чиниқтириш орқали кучайтирилади.

Ҳўш нима қилиш керак?

Психологик иммунитет қандай йўллар билан кучайтирилади?

Аваллаббор инсон илмли бўлиши керак. Илмли дегани — бу олий маълумотли бўлиш дегани эмас. Ҳар бир инсон, айниқса ёшлар тарбия бора-сидаги китобларни ўқиб, ибрат берувчи ҳикояларни тинглаб, ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар суҳбатини тинглаб, катталар ўғитига амал қилиб яшаса, унда психологик иммунитет шаклланиб боради”.

## Профессионалликка даъвогарлар кўпайди

Юқорида бир нечта ҳолатни кузатдик. Бугун ўқувчи ёшлар билан ишлаётган мактаб психологлари қандай ишлашмоқда? Улардан ота-оналар розими? Мактаб психологига ўсмирлар, тарбияси оғир болалар билан ишлашда нималарга эътибор бериши зарур? Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда психологнинг вазифаси қандай? Бу саволларнинг жавоблари оғриқли, албатта.

Хулоса ўрнида таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кун талаби билан солиштирганда, “Психология” йўналишида олий маълумотли кадрлар етишмайди. Бугун аҳолининг психологияга қизиқиши эса, юқори. Бу соҳада профессионалликни даъво қилиб, ўртамиёна нархга ишламайдиганлар ҳам топилапти. Профессоналман, дейдиганлар ҳам арзон нархда, аҳолининг топиш-тутишига қараб ишлаётгани йўқ! Аслида психолог деган шарафли касб эгаси бўлиш осон эмас. Бу шарафли касб профессонал бўлмаганлар учун шунчаки бажариладиган иш бўлмаслиги жуда муҳим! Инсоннинг онг ости билан ишлаш ўйинчоқ иш эмас! Одамларнинг пулини олиб, ишончига кириб, лаққиллатиш ҳам ҳеч бир фарибдорлик, жиноий ишдан кам эмас!

Бир сўз билан айтганда, бугун аҳолининг психолог қабулига киришга бўлган талаби юқори! Жиноятчилик ҳолатлари, нотинч оилалар сони юқорилигича қолмоқда. Демак, соҳада кадрлар тайёрлаш масаласига етарлича эътибор бериш вақти келди. Ана шундагина Ўзбекистонда профессонал психология ривожланади. Соддароқ қилиб айтганда, бу соҳанинг давлат даражасида ривожланиши жуда муҳим. Шундагина, Ўзбекистонда психология ҳозир ўзини психологман деб атаб, аслида мақсади мўйам пул топиш бўлиб қолаётган ўртамиёна, аникроқ айтганда, ундан ҳам паст даражадаги психологликка даъвогарларнинг пултопар маконига айланиб қолмайди! Бу соҳада аниқ бир қонунчиликини шакллантирсак, фақат ҳаменини қаппайтиришни ўйлайдиган чаласавод, дину дунё илмидан беҳабар кўча психологларига эса, ишимиз тушмайди.

Гулбаҳор ОРТИҚҲҲАЕВА,  
“Инсон ва қонун” мухбири



# ТУМАН АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ

## АДЛИЯ ОДАМЛАР ОРАСИДА

### БУХОРО ВИЛОЯТИ

"Нефтьгазқурилиштаъмир" АЖдан

**201 миллион 463 минг 697 сўм**  
иш ҳақи ундирилди

БУХОРО шаҳар адлия бўлими томонидан давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ҳолати сўров йўли билан ўрганиб чиқилганда, шаҳардаги "Нефтьгазқурилиштаъмир" акциядорлик жамияти томонидан айрим қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги, хусусан, жамият ишчи ходимларининг ойлик иш ҳақидан қарздорлиги мавжудлиги аниқланган.

Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 161-моддасида белгиланганидек, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги, ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашининг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкинлиги, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли барча суммаларни тўлаш шартлиги, жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган

муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўқоридагиларга асосан, жамият ходимлари манфаатини кўзлаб, ойлик иш ҳақларини суд буйруғи тартибидан ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига жами 201 миллион 463 минг 697 сўмлик даъво аризалари киритилиб, ишчи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

**Абдурахимхўжа БАҒАЕВ,**  
Бухоро шаҳар адлия бўлими  
бошлиғи

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

РИШТОН туман адлия бўлимига тadbиркор Ш.Исмаиловдан мурожаат келиб тушди. Унда муаллиф ўзининг туман ҳокимлиги томонидан бузиб ташланган савдо дўкони учун компенсация пулини тўлиқ ололмаётганлигини билдириб, амалий ёрдам сўраган.



## САВДО ДЎКОНЛАРИ БУЗИЛГАН, КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ ЭСА...

Мазкур мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганилганда аён бўлдики, туманининг Б.Рошидоний кўчасида жойлашган, майдони 71,2 квадрат метрдан иборат савдо дўконини Ш.Исмаилов 2014 йилда сотиб олган. Шундан сўнг айни бино-иншоотга нисбатан унинг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Риштон туман ҳокимининг 2019 йил 13 майдаги 2852-сонли қарорига биноан тилга олинган савдо дўкони бузиб ташланган. Туман ҳокимлигининг буюртмасига мувофиқ, ушбу бино "Барака бизнес баҳо" МЧЖ томонидан бориғи 36 миллион сўмга баҳоланган. Шафбат олаги мазкур маблағ тўланган. Аммо "Эксперт мулк баҳолаш" МЧЖнинг 2020 йил 23 сентябрдаги баҳолаш ҳисоботида бинонинг тавсиявий қиймати 221 миллион 264 минг 905 сўм миқдорда кўрсатилган. Бинобарин, Ш.Исмаилов ва ўртадаги тафовутни ундириб бериш юзасидан туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Фуқаро А.Эргашевнинг туман адлия бўлимига қилган мурожаати ҳам худди шунга ўхшаш. Яъни, тилга олинган манзилда А.Эргашевнинг ҳам савдо дўкони мавжуд бўлган. Бироқ туман ҳокимлиги бинони бузиб ташласа-да, бунинг эвазига тегишли компенсация пулини бермаган. Шу боис, адлия бўлими томонидан ҳар иккала фуқаронинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига даъво аризалари киритилди.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Фарғона вилоят бўлимининг 2021 йил 10 август ва 29 сентябрдаги хулосасига асосан А.Эргашева қарашли савдо дўконининг ўша пайтдаги бозор баҳоси 49 миллион 348 минг 474 сўм, Ш.Исмаилов ва баҳо тегишли бўлган дўкон эса, 111 миллион 352 минг 496 сўмни ташкил этган. Шунга кўра, суд даъво аризаларни қаноатлантириб, Риштон туман ҳокимлиги ва қўшимча жавобгар Фарғона вилоят ҳокимлигидан А.Эргашевага тўлиқ, Ш.Исмаилов ва баҳо бўлса ўртадаги тафовут 75 миллион 352 минг 496 сўмни ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

**Муроджон ҚОДИРАЛИЕВ,**  
Риштон туман адлия бўлими бошлиғи

### НАВОЙ ВИЛОЯТИ

## ОРТИҚЧА УНДИРИЛГАН МАБЛАҒ ТАДБИРКОРГА ҚАЙТАРИЛДИ

КОНИМЕХ туман адлия бўлими томонидан туманда фаолият кўрсатаётган "Бек Асад" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Б.Санакүловнинг Навоий вилоят давлат солиқ бошқармасидан қўшимча қиймат солиғи ҳисобидан ортиқча ундирилган 47 миллион 191 минг 304 сўм пул маблағни жамият фойдасига ундириш юзасидан Кармана туманлараро иқтисодий судига киритилган даъво аризаси суднинг 2022 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, вилоят давлат солиқ бошқармасидан жамият фойдасига ортиқча ундирилган маблағни қайтариш белгиланди.

Туманда фаолият кўрсатаётган "Конимех престиж" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ф.Ҳайтовнинг 2019 йилда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун тўланмасдан қолган 76 миллион 695 минг 841 сўмлик маблағни туман ҳокимлигидан ундириш масаласида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳам қонун доирасида ўрганиб чиқилиб, жамият манфаатида Навбахор туманлараро иқтисодий судига 2022 йил 23 февралда даъво аризаси киритилди. Даъво ариза суднинг 2022 йил 15 мартдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилди.

**Нурали ИСРОИЛОВ,**  
Конимех туман адлия бўлими бошлиғи

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

АДЛИЯ вазирлиги томонидан жорий йилнинг февраль-март ойлари "Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича долзарб икки ой" деб эълон қилинганлиги мүнсаба-ти билан жойларда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан сайёр қабуллар, учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказилиб, фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатлар ҳолисона ўрганилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

## ПЕНСИЯ, ГАЗ БАЛЛОН, НОГИРОНЛИК АРАВАЧАСИ...

## БАРЧАСИ АДЛИЯ ЁРДАМИ БИЛАН ЎЧИМ ТОПДИ

Хусусан, Узун туманидаги "Чақар" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Мустанованинг пенсия пули берилмаётганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганилди.

Ўрганиш давомида Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан фуқаро М.Мустанованинг тўланмай қолган 2 миллион 312 минг 312 сўм миқдордаги пенсия пули жорий йилнинг 6 март куни тўлаб берилди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Жарқўрғон туманидаги "Бушбулоқ" маҳалласида яшовчи фуқаро Д.Ҳайдарованинг бир дона маиший газ баллон ажратилишида амалий ёрдам сўраб йўллаган мурожаати ҳам ўрганилиб, "Жарқўрғон тумангаз" филиали ходимлари томонидан фуқарога маиший газ баллон ажратилди.

Шунингдек, Узун тумани "Чинор" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Остонакуловнинг оиласидагилар унинг ногирон эканлигини маълум қилиб, ногиронлик аравачаси билан таъминлашда амалий ёрдам сўраган. Вилоят адлия бошқармаси аралашуви билан қисқа вақт ичида Сурхондарё вилоят тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш бошқармаси томонидан М.Остонакуловга ногиронлик аравачаси ажратилди.

**Шерозиддин ТИЛОВОВ,**  
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими





# Мунажжим ҳаётини қандай қутқариб қолди?



Людовик саройнинг юқори қаватида жойлашган хонасига мунажжимни чақиради. Мунажжим келишидан олдин хизматкорларига "ишора қилишим билан башоратчини ушлаб, деразадан пастга улоқтириб юборасизлар" дея, уларни огоҳлантириб қўяди. Қирол турган хона юз метр баландликда эди. Мунажжим қирол хонасига кириб келганда, ишора беришдан аввал унга Людовик охириг савол

билан мурожаат қилади: "Сен бошқалар тақдирини биламан дейсан. Хўш, ўзингнинг тақдиринг ҳақида ҳам бирор нарса биласанми? Қачон ўлишингни айт-чи менга?". "Мен сиз ҳазрати олиларидан уч кун олдин ўламан", — деб жавоб беради мунажжим. Жавобни эшитиб қирол турган жойида михланиб қолади ва ҳеч қандай имо-ишора қилмайди. Башоратчи ҳаётини қутқариб қолганди. Шун-

ФРАНЦИЯНИНГ буюк қироли Людовик XI (1423-1483) мунажжимлар башоратига жуда ружу қўйганди. Унинг саройда шахсий мунажжими бор эди ва уни ҳурмат қиларди. Ажойиб кунларнинг бирида мунажжим сарой аёлларидан бири саккиз кундан сўнг вафот этади, деб башорат қилади. Ҳақиқатан ҳам саккиз кундан сўнг ўша аёл вафот этганда Людовик даҳшатга тушади: мунажжим башорати тўғри чиқиши учун аёлни ё ўзи ўлдирган ёки у жуда кучайиб кетган. Икки ҳолатда ҳам у ўлдирилиши керак эди.

дан сўнг қирол башоратчини қаттиқ қўриқлаб, уни саройнинг энг яхши табибларига кўрсатиб, мудом унинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилиб, доимо совға-саломлар улашиб туради. Башоратчи мунажжим Людовикдан кейин ҳам узоқ йиллар яшади, аммо у ўшанда одамларни бошқариш санъатини намойиш қилганди. Бу воқеа одамлар сизга боғлиқ бўлиб қолишларининг ёрқин намунасидир. Сиздан жудо бўлиш хўжайин ҳаётига, фаолиятига хавф солса, унга қулфат келтирса — у ҳеч қачон сизнинг хизматингиздан воз кечмайди. Бундай даражага кўтарилишнинг қўп усуллари бор. Лекин, уларнинг ичида, ўз ишининг истеъдодли устаси бўлиш доимо алоҳида қадрланиб келинган.

Роберт ГРИН  
"Ҳокимиятнинг  
48 қонуни"

## Очкўз ва ҳасадгўй

(ривоят)

ОЧКЎЗ ва ҳасадгўй икки инсон подшо ҳузурига келишибди. Подшо уларга шундай дебди: "Сизлардан бирингизни кўнгли нима тусаса шуни муҳайё қиламан. Фақат бир шарт билан — иккинчигиз худди шу нарсани икки ҳисса қўп олади".

Ҳасадгўй биринчи бўлиб нимадир сўрашга жазм қилмабди. Чунки ҳасадгўйлиги кимдир унда икки баробар кўп нарсага эга бўлишига йўл қўймас экан. Очкўз ҳам подшодан биринчи бўлиб сўрашдан тийилибди. Сабаби, дунё молига кўзи тўймас ва ҳамма нарса меники бўлиши керак, деган ҳаёл билан яшаркан. Ва ниҳоят очкўз биринчи бўлиб тилак тилашга ҳасадгўйни кўндирибди. Шундай қилиб ҳасадгўй биринчи бўлиб ўз тилагини изҳор этибди: "Мени бир қўзимни ўйиб олинг".



Жалолиддин САФОВЕВ  
таржималари



## "Калтакланган аскар энг катта бойлиги — ОР-НОМУСИНИ ЙЎҚОТАДИ!"

АРМИЯ заиф ва ёмон қуролланганди. Бутун Европада тан жазоси бекор қилинган — бизда эса аёвсиз равишда қамчи билан савалашарди. Айниқса, аскарларни ҳайвоний ваҳшийлик билан савалашарди. Аскар кийимидан камчилик топишса ёки қадди ростликни хато деб ҳисоблашса — беш юз қамчи, армиядан қочишга уринганлиги учун бир ярим минг қамчи ва бу ишни такрорласа — уч минг қамчи уриларди...

"Йиғлоқи болани" чиниқтириш учун йиғирма ёшимда отам мени (яъни, рус подшоши Николай I тахт вориси Александр II ни) беш юз қамчи уриш маросимини кўришга олиб борганди.

Шўрлик аскарни белигача яланғочлашди. Барабанлар чалинди. Ва уни қўли орқага боғланган ҳолда саф тортиб турган аскарлар орасидан олиб ўтишди. Икки нафар соқчи унга ҳамроҳ эди. Сафда турган ҳар бир аскар уни калтак билан яхшилаб уриши учун жуда секин олиб ўтишарди. Аскарлар ҳам бор кучи билан калтак туширарди. Бечоранинг ялиниб-ёлворган, азобдан дод-фарёд кўтарган овозини барабанлар садоси босиб юборарди... Териси шилиниб кетган, оёғида зўрға турган аскар ҳушидан кетиб йиқилди... Уни мажбурлаб яна оёққа қўйишди. Яна калтак зарбалари ёғилди. Энди елкадаги шилинган тери ўрнидан қонга ботган гўшт чиқиб турарди. У охириг марта йиқилди ва қайта ўрнидан туролмади. Калтаклаб ўлдирилган аскарнинг жасадини ўтин ташийдиган чанага ортишди. Шунда ҳам то белиланган калтак сони адо этилмагунча жасадини савалашни давом эттиришди.

Мен бу манзарани кўриб қайт қилиб юбордим. Отам мендан жирканиб, мийиғида қулиб қўйди.

Уйга қайтиб келганимдан сўнг бахтидан масрур онамнинг бидирлашидан ўзимни олиб қочдим.

Бонапарт нима деганлигини эсимда сақлардим: "Калтакланган аскар ўзининг энг катта бойлиги — ор-номусини йўқотади!"

Россияда қаёққа назар солма, ҳамма ёқ издан чиққан, чириган ва ёмон аҳволда эди...

Эдвард РАДЗИНСКИЙ "Князь  
Ҳокимчининг хотиралари"



ҚИШЛОҚДАГИ ягона булоқ бошида уч аёл кўзаларига сув тўлдириб, суҳбатлашишар, шу атрофда уларнинг гапларига бир мўйсафид қулоқ тутиб ўтирарди.

Биринчи аёл деди: "Менинг бир ўғлим бор. Жудаям қобилятли, жисмоний машқларга шундай устак!"

Иккинчи аёл ҳам ўғлини мақтай кетди: "Менинг ўғлим бамисоли бўлбүл каби қўйлайди, қўшиқларини эшитиб, одамлар сел бўлиб йиғлашади!"

Учинчи хотин эса индамади. Суҳбатдошлар булоқдан кўзаларини тўлдириб, кўзғалай деб туришганда биринчи аёлнинг ўғли кўри-

ниб, ажойиб машқ кўрсатди. Онаси эндигина уни мақташга шайланаётганда, иккинчи аёлнинг ўғли келди ва жарангдор овоз билан қўшиқ айта кетди. Охирида келган учинчи аёлнинг ўғли аввалгиларидан фарқли ўларок, индамасдан онасининг қўлидан сув тўла кўзани олиб, уйлари томон жўнади.

Учала аёл: "Ўғилларимизни кўрдингизми? Қай бири маъқулроқ?" — дея қизикиб сўрашди воқеаларни кузатиб турган мўйсафиддан.

Бу саволга мўйсафид шундай жавоб берди:

"Мен фақат битта ўғилни кўрдим. Онасининг қўлидан кўзани олиб, елкасига ортиб кетган ўғилни".



**ҚАРШИ туманлараро иқтисодий судига Китоб туманидаги “Ёшлик” масъулияти чекланган жамиятидан даъво ариза келиб тушди. Унда даъвогар жавобгар — Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилоят бошқармасининг 2020 йил 9 январдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.**

## Қарор нега ҲАҚИҚИЙ ЭМАС деб топилди?

Гап шундаки, тарафлар ўртасида тузилган ипотека шартномасига асосан “Ёшлик” масъулияти чекланган жамияти ўзига тегишли бўлган маъмурий бино, цех биносини “Агрос-АВ” қўшма корхонаси ҳисобига олинган кредит эвазига гаровга қўйган. Бироқ, кейинчалик “Агрос-АВ” қўшма корхонаси кредит маблағларини ўз вақтида қайтармаганлиги оқибатида кредит қарздорлигини ундириш суднинг қарори асосида гаровга қўйилган юқоридаги мулкларга қаратилиб, ижро иши қўзғатилган.

Ажабланирлиси, гаровга қўйилган мол-мулкларини сотиш билан боғлиқ ижро ҳаракатлари оз эмас, 14 йил давом этган бўлса-да, ҳеч қандай натижа бермаган. Тўғрироғи, шу вақт оралиғида ижрочилар томонидан гаровдаги мулкнинг баҳоси бир неча бор пасайтирилиб, аукцион савдога қўйилган. Аммо сотилмаган. Масалан, суд ижрочилари томонидан ушбу мол-мулклар 2007 йилдан 2018 йилга қадар қайта-қайта сотувга қўйилган бўлишига қарамастан, ҳеч ким қизиқиш билдирмаган.

Хўш, бундай вазиятда қонун талаби бўйича қандай йўл тутилиши керак эди? Ахир, муаммонинг жиддий томонидан қопланмаган кредит бўлса.

Шундан сўнг, суд ижросис томонидан қонунда белгиланган тартибда ундирувчи, яъни, банкка сотилмаган мол-мулкларини натурал шаклда ўз балансида қабул қилиб олиш лозимлиги ҳақида таклиф қилинади. Бироқ, ундирувчи бунга на қабул қилиш, на рад этиш ҳақида бирор бир жавоб бермаганлиги сабабли гаровдаги мулк яна 3 мартаба такоран ким оиди савдосига чиқарилган. Лекин шунда ҳам барча ҳаракатлар самарасиз кетди.

Суд ижросиси ҳам нима қилсин, мулк қайта-қайта сотилмаган, бирдан бир ягона йўл гаров таъминотини ундирувчининг мулк эгаллигига тошириш эди-да. Бироқ бу сафар ҳам кредит ташкилоти томонидан мулк қабул қилиб олинмади.

Мол-мулк сотилмаганлиги ва ундирувчи мулкни натурал ҳолида олиш ҳукуқидан фойдаланмаганлиги сабабли Мажбурий ижро бюросининг Китоб тумани бўлими 2019 йил 27 январда “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига асосан ижро ишини тамомлаб, ижро варақасини ундирувчига қайтарган. Бинобарин, гаровдаги мулкка нисбатан қўйилган барча тақиқлар бекор қилинган. Чунки қонуннинг 40-моддасида агар ундирувчи ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ўзига олишдан воз кечса ёхуд қарздорлик ҳисобидан ушбу мол-мулкни ўзига олиш тўғрисидаги давлат ижросисининг таклифи бўйича ўз қарорини белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса, ижро ҳужжатлари ундирувчига қайтарилиши қўзда тутилган. Аслини олганда, 10 йилдан ортиқ амалга оширилган ижро ҳаракатлари натижа бермагач, бошқача йўл тутиш ҳам мумкин эмас эди-да.

Шундан кейин — мулкка нисбатан чекловлар бекор қилинган, талбиркор уни бошқа шахсларга сотиб юборди. Аммо 2020 йил 9 январда Мажбурий ижро бюросининг Қашқадарё вилоят бошқармаси қарори билан МИБ Китоб туман бўлимининг 2019 йил 27 январдаги ижро ишини тамомлаш ва ижро варақасини ундирувчига қайтариш ҳақидаги қарор бекор қилинади. Бунга ижро ҳужжати бўйича ундирилган лозим бўлган 4 та бино-иншоотлар ва ер майдони мавжудлиги, шундан давлат ижросиси томонидан 1 та бино-иншоот ва ер майдони ундирувга қаратилмаганлиги асос сифатида келтирилди.

Суд муҳокамаси давомида эса “Ёшлик” МЧЖнинг 4 та бино-иншооти мавжуд эмаслиги, Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 86-моддасига зид равишда қарор қабул қилиниб, етарли асосларсиз ижро ишини тамомлаш ҳақидаги қарор бекор қилинганлиги ва бунинг оқибатида тадбиркорнинг ҳақи эътирозига сабаб бўлинганлиги аниқланди. Негаки, юқорида айтганимиздек, банк йиллар давомида сотилмаган мулкни ўз вақтида қабул қилиб, эгасига айланиши мумкин эди. Лекин шунча сазй-ҳаракатларга қарамастан бундай бўлмаган.

Ана шу асосларга таянган суд даъвои қаноатлантириб, Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилоят бошқармасининг 2020 йил 9 январдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳусусида ҳал қилув қарори қабул қилди. Зеро, оиди судлов давлат органлари, шу жумладан, ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ҳамда банklar билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари устуворлигига қатъий амал қилди.

Алибек КОДИРОВ,

Чирокчи туманлараро иқтисодий суди судьяси

Албатта, бу ҳусусда жуда кўп гапириш мумкин. Аммо мен судья сифатида мазкур Фармоннинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид жиҳатларига тўхталмоқчиман. Масалан, эндиликда Мажбурий ижро бюроси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилиб, унга Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50 миллиард сўм ажратилади. Натижада суд қарори билан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахслардан белгиланган маблағларни уч ой ичида ундириш имкони бўлмаган ҳолларда ана шу жамғарма маблағлари алимент тўловлари бўйича шаклланган қарздорликни бир йўла тўлаш учун йўнатилиши ҳамда кейинчалик алимент тўлаш мажбурияти юклатилган қарздордан суд қарорисиз мажбурий тартибда ундириб олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жуда кўп давлат ташкилотларида тақрибли ва юқори меҳнат салоҳиятига эга хотин-қизларга эҳтиёж катта. Бироқ уларнинг аксарияти олий маълумотли эмас. Бинобарин, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб мутахассислиги бўйича камидан 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафардан иборат хотин-қизларни ҳар йили Оида ва хотин-қизлар давлат қўмитаси таъсисномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқинишга қабул қилиниши белгиланди. Қолаверса, келгуси ўқув йилидан эътиборан олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан сиртки ва кечки таълим шаклида тўлов контракт асосида ўқиётган хотин-қизларга 7 йил муддатга фойсиз таълим кредитлари берилди. Бунинг учун тижорат банklarига Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм ресурс маблағлари ажратилади. Бу эса суд-ҳуқуқ тизимини малакали кадрлар билан таъминлашга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Хотин-қизларнинг минимал истеъмол харажатларини қоплашини уларни жамиятдаги мавқеи ошишига олиб келади. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуқсиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланиши белгиланаётган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон

Президентимизнинг жорий йил 7 март куни имзолаган “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан хотин-қизларга бир қатор яхши шартлолар яратилмоқда.



## АЁЛНИ УЛУҒЛАШ УНГА БЕРИЛГАН ИМКОНИАТ БИЛАН БЕЛГИЛАНДИ ЁХУД ҲАММА НАРСА ИНСОН ҚАДРИНИ ЭЪЗОЗЛАШГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Республикасининг 2022 йил 14 март куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ҳам хотин-қизлар манфаатларини чеклаб ўтмаган. Шулардан бири ҳозир судларда жуда кўп учраётган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши билан боғлиқ низо-ларга тааллуқли. Бунда низо-ларнинг бир қисми ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйи (квартираси) бузилиши лозим бўлган фуқароларни турар жой билан таъминлашда содир бўлар эди. Чунки, берилмаган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлганда фуқаро мазкур қиймат ўртасидаги фарқни уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайтдан эътиборан беш йил ичида компенсация қилиши лозим эди. Эндиликда ушбу бозор қийматидан ортиқ бўлган фарқ мулкдор томонидан қайтарилиши талаб этилмаслиги бўйича қонда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 27-моддасининг биринчи қисмига киритилди. Шу орқали мулкдорлар ва давлат ўртасида юзага келадиган ортиқча ҳуқуқий низо-ларга

барҳам берилди.

Яқин йилларга қадар фуқаролик процессида суд томонидан кўриб чиқилмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларда шахснинг ҳуқуқини белгилловчи ҳужжатларда фамилияси, исми ёки отасининг исми билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёхуд тегишли эмаслиги фактини аниқлашда замонавий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар факт сифатида киритилмас эди. 2022 йилнинг 14 март санасидан эътиборан эса Фуқаролик процессуал кодексининг суд томонидан кўриб чиқилмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларда шахснинг ҳуқуқини белгилловчи ҳужжатлар сифатида идентификацияловчи ID-карталар ҳам киритилди.

Шунингдек, фуқаролик судларида фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан муносабат қилинганда аризага илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар қаторига никоҳда турмаган шахс томонидан фарзандликка олинганда — фарзандликка олувчи паспортнинг ёки идентификацияловчи ID-картасининг кўчирма нусхаси ҳам киритилди.

Жасур СИРОЖЕВ,  
фуқаролик ишлари бўйича Мирзо  
Улўғбек туманлараро суди судьяси

## ОРТИҚЧА ТЎЛОВ ОРТГА ҚАЙТАРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар “Akfa Ekstrusions” масъулияти чекланган жамияти манфаатини қўллаб, жавобгар “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятидан етказиб берилган табиий газ учун асоссиз ундирилган 17 миллион 275 минг 805 сўмин ундирилиши сўраб, Кармана туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилган.

Иш ҳужжатларидан кўрилишича, тарафлар ўртасида табиий газ етказиб бериш тўғрисида 2021 йилнинг 28 апрелида шартнома тузилган. Даъвогар томонидан жавобгарга шартномага мувофиқ табиий газ етказиб берилган.

Шартноманинг 4.6-бандига кўра, истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун яқуний ҳисоб-китобни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлда тасдиқланган “Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида”ги 633-сонли қарорига кўра, бошқа улгуржи истеъмолчиларга газ нархи 1 м<sup>3</sup> учун 660 сўм қилиб белгиланган.

Бироқ, жавобгар томонидан 2021 йил июнь ва июль ойларида белгиланган 660 сўм ўрнига 669.57 сўмдан ҳисобланган, яъни июнь ойида 611 миллион 157 минг 729 сўм ҳисобланиши ўрнига 620 миллион 15 минг 88 сўм, 8 миллион 857 минг 359 сўм ортиқча, июль ойида 580 миллион 872 минг 718 сўм ўрнига 589 миллион 291 минг 164 сўм, яъни 8 миллион 418 минг 446 сўм кўп, жами икки

ойда 17 миллион 275 минг 805 сўм ортиқча ҳисобланган ҳамда ҳисоб фактура тақдим этилиб, ундирилган.

Фуқаролик кодексининг 234-моддасига кўра, мажбурият фуқаровий ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини саклашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажарилиши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик кодекси 1023-моддасига кўра, қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолган мол-мулкни (асоссиз ортирилган бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт, ушбу Кодекснинг 1030-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснолиги белгиланган.

Мазкур иш Кармана туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, 17 миллион 275 минг 805 сўм асоссиз ундирилган пул маблағи “Akfa Ekstrusions” масъулияти чекланган жамиятига қайтарилиши таъминланди.

Бекзод ЖУМАЕВ,  
Кармана туманлараро иқтисодий суди судьяси





Ибليسнинг гарази бўлган бу уруш  
Албатта, етади ўзин бошига.

## ЯШАШ ҲУҚУҚИ

инсон туғилиши биланоқ унга  
инъом этиладиган табиий ҳуқуқлар  
сирасига киради

УШБУ сатрларни ўқиб, академик шоир Ғафур Ғуломнинг урушга бўлган нафратини ҳис қиламиз, уруш қолдирган битмас жароҳатларни, урушнинг талафотларини ўйлаб, ўйга толамиз. Маълумки, айти Ғафур Ғулом яшаган даврда, бутун дунё мамлакатларига, инсониятга улкан йўқотишларни олиб келган жаҳон урушлари бўлиб ўтган. Урушнинг азоблари, армонлари Ғафур Ғуломнинг оиласини ҳам четлаб ўтмаган. Ота-онадан етим қолиб, ёшлиги қийинчиликларда ўтган Ғафур Ғуломни тақдир яна бир бор синовдан ўтказди. 1941 йилда совет армиясининг иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилиши, ўзбек халқи бошига ҳам машъум кўргуликларни солди. Хусусан, шоирнинг ўғли Жўраҳон ҳам урушга сафарбар қилинди ва жангда ҳалок бўлди.

Шоир ўзининг аччиқ изтиробларини ўз ижоди орқали ифода этди. Унинг урушда ҳалок бўлган ўғли Жўраҳонга атаб ёзилган биргина "Соғиниш" шеърда оддий ота тимсолида урушнинг кўнгилларни қанчалик абгор, ярадор қилганини кўриш мумкин:

...Кечкурун ош сузсак, бир насиба кам,  
Қўмсайман бировни — аллакимимни.  
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,  
Баъзан васвасалар босар дилимни.

Юқоридаги мисраларда фақатгина отанинг ўғлига бўлган соғинчи эмас, балки кўркуви ҳам акс этган. Ўз навбатида шоир ушбу мисраларида ўғлининг омон қайтишига умид ҳам боғлаган, унинг йўлларига кўз тиккан. Аммо гумон аралаш кўркув, ўғлининг урушдан қайтмаслиги мумкинлиги ҳақидаги мудҳиш хаёллар уни бир дам ҳам тарк этмаган.

Умид шундай бир туйғудирки, инсоннинг қалбига оз бўлса-да, ишонч, хотиржамлик ва нажот беради. Шоир дилидаги васвасаларни умид орқали енгилсга уринади. Ўғлининг қайтиб келишига ишонади:

Ўғлим омон келади, қолиб, музаффар,  
Гард ҳам кўндирмасдан қора қошига...

Шоир ўзининг дилидаги қайғуларини яхши гумонлар орқали яширишга уринади. Ғафур Ғу-

ломнинг қалбидagi туйғулар — соғинч, изтироб, қайғу, умид, кўркув фақат унинггина эмас, балки урушга кетган қанча-қанча инсонларнинг фарзандлари, ота-оналари ва яқин инсонларининг кўнгилларини ўқитган.

Яшаш ҳуқуқи инсон туғилиши биланоқ унга инъом этиладиган табиий ҳуқуқлар сирасига киради. "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"нинг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт"нинг 6-моддасида яшаш ҳуқуқи инсондан ажратилмас ҳуқуқ эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Конституциямизнинг 24-моддасида ҳам яшаш ҳуқуқи кафолатланган, яшаш ҳуқуқининг узвийлиги, унинг ҳеч ким томонидан олиб қўйиб бўлмаслиги белгиланган. Урушлар эса инсонларни ушбу ҳуқуқларидан маҳрум қилади.

Ғ.Ғулом ўзининг "Соғиниш", "Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак", "Кузатиш", "Сен етим эмассан" каби шеърларида уруш олиб келган изтиробларни таърифлаган. Унинг ижоди урушни қоралаш ва шу орқали инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўзига хос даъват вазифасини ўтаган.

Севинч МУРАДУЛЛАЕВА,  
ТДЮУ 2-босқич талабаси

### Огоҳлик — давр талаби!

БУ йилги баҳор серёғин келди. Кетма-кет ёмғир ёғиши, тоғли, тоғолди ҳудудларда сел келиши ҳоллари кузатилмоқда. Хизмат фаолиятимиз давомида бу каби фасллар ниҳиклигининг аҳолига келтирадиган зарарларига, қутилмаган кўнгилсиз ҳодисаларга кўп бора гувоҳ бўламиз.



## Сел хавфидан ОГОҲ БЎЛИНГ!

Айниқса, бундай пайтда аҳолини келаётган хавфдан огоҳ қилиш, фавқуллода вазиятларга ҳар доим тайёр туришга ўргатиш муҳим вазифалардан биридир.

Одатда, кучли сел оқимлари республикамиз ҳудудида баҳор мавсумида ва ёзнинг биринчи ойида юз беради. Шу сабабли бу табиий ҳодисадан, сел оқими хавфидан деярли ҳимояланиб бўлмайди! Шунинг учун ҳар биримиз табиий офатнинг олдини олиш чораларини кўришимиз зарур. Айниқса, тоғли ва тоғолди ҳудудларда яшовчи аҳоли, табиат қўйнига чиққан сайёҳлар, ҳайдовчи ва йўловчилар сел мавсумида алоҳида ҳушёр бўлишлари талаб этилади.

Шу ўринда фавқуллода ҳолатларда барчамиз билишимиз керак бўлган айрим нарсаларни эслатиб ўтамиз. Сув босиши, яъни тошқин пайтида нималарга эътибор бериш керак? Тўғон (дамба) бўзилиб кетса, сув остида қолиши мумкин бўлган пастликлардан нари юринг. Сув босган ерларни, агар сув тиззадан юқори келса, умуман кесиб ўтманг. Оқим сизни йиқитиши мумкин. Сув ўрама-сида эса одам ўзини эпполмай қолади.

Кўпинча аҳоли орасида сув тошқини юз берганида ҳам автомашинада сув йўлидан кесиб ўтиш, сел оқимидан ўтишга уриниш ҳолатлари учрайди. Сув босган жойларда автомобилда ҳам ҳаракатланиб бўлмайди. Чунки бундай пайтда катта босим билан келаётган сел остида чуқурликлар бўлиши мумкин.

Сув босиши (тошқин)дан кейин нималар қилиш керак? Бундай кўнгилсиз табиий офатлар пайтида аҳоли уй-жойсиз, ҳатто озиқ-овқатсиз қолиб кетиш хавфи юқори. Лекин тошқин сувларига тушган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол учун ярамайди. Ҳатто оддий сувни ҳам санитария текширувисиз ичманг. Ҳар бир қудуқ олдин қуритилиши, сув эса, текширилиши лозим. Зарурат бўлмаса, сув босган участкаларга бормаган маъқул. Электр асбобларидан фойдаланишда янада ҳушёр бўлиш лозим. Электр ускуналари олдин қуритилиши, кейин ишлатилиши, синаб қўрилиши керак.

Аҳолини фавқуллода вазиятлардан ҳимоя қилишда сел оқимларининг олдини олиш, уларга қарши курашиш, сел бўлиши мумкин бўлган майдонларни аниқлаш муҳим жараён саналади. Фавқуллода ҳодисаларнинг, табиий офатларнинг вужудга келиши сабабларини чуқур ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролар ҳаётини асраш ва уларни ўз вақтида огоҳлантириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Фавқуллода вазиятлар тўғрисида қўл телефонингизга келган хабарларга шунчаки қараман! Сел хавфидан ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлинг! Бундай вазиятда биринчи навбатда қандай йўл тутиш кераклигини эса юқорида эслатиб ўтдик.

Алимардон ШОКИРЖОНОВ,  
Хусниддин ТУРОПОВ,  
Андижон вилояти фавқуллода вазиятлар  
бошқармаси инспекторлари

### ЭЪЛОН

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2010 yil 30 sentyabrda 447 p-son bilan O'zbekiston iste'molchilar huquqlarini himoya qilish jamiyatlari federatsiyasi nomiga berilgan nodavlat notijorat tashkilotlari qayta davlat ro'yxatiga olinganligi haqidagi guvohnomaning asl nusxasi yo'qolganligi sababli mazkur davlat ro'yxatidan o'tkazilgani to'g'risidagi guvohnoma haqiqiy emas deb topilsin.

### Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
руйхатга олинган



Бош  
муҳаррир

Қўчқор  
НОРҚОБИЛ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музаф Мубаракходжаевич  
Тожиёв Фурият Шомуродович  
Юлдашева Шохидоҳон Руфатовна  
Бахронов Шерзод Холмуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахриратта келган  
қўлзмалар тақрир  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Хуришд Султонов  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

### Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририятти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимида, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Business print" ҳусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а  
Тел.: +998 91 488 68 78  
Тиражи — 4000  
Буюртма — Г-62

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 16:30

### МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Базоси валичилиган нархда

1 2 3 4 5



## Ҳаёт чорраҳаларида

Пўлатжон Азимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) азонлаб йўлга чиқаркан, йўл ёқасидаги "йўлингиз оқ бўлсин!" деган ёзувларга кўзи тушди-ю, атрофида ҳали тун зулмати кезинаётган бўлса-да, қалбда қандайдир ёруғлиқни сездди. Йўл-йўлакай ўйлаб кетди: "Чиндан ҳам оқ йўл дегани нимаси экан, ахир манзилга боргунча қора асфальтда кетамиз. Онам ҳам ҳаминша болам, оқ йўл сенга, деб дуо қиладилар... Қизиқ, одамлар нималарни ўйлаб топишмайди-я". У "оқ йўл" тушунчасини ўша кунни бошига бир кўнгилсиз воқеа тушмагунча чуқур аңламаганди.

Оқ йўлдаги  
қора доғлар

Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг кўп қисми йўлларда ўтади. Йўллар яхши-ёмон инсонларга ва ҳодисаларга гувоҳ. Қутлимаганда йўлимизда кўнгилсизликлар ҳам учраб туради. Биз айтётган кўнгилсизликларнинг асосий қисми йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳўллари билан бевосита боғлиқлиги бутун ҳеч кимга сир эмас. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, "ГАИ"— йўл посбонлари орасида ўз касбини виждонан бажараман, деб хатога йўл қўядиган соҳа вакиллари ҳам йўқ эмас.

Пўлатжон Азимов қўшни туманга кириб боришда шундай ҳодимлардан бири унинг машинасини тўхтатиб ва ҳужжатларини текшириб-текширмай жаримага тортиди. Пўлатжоннинг машинасини жарима майдончасига қўйиб, бунинг натижасида оз эмас, кўп эмас, нарх икки йил бечорани яёв қолдириш сабабчи бўлиб, унга моддий ва маънавий зарар етказди. Бундай адолатсизликка чидамолмаган П.Азимов жавобгар Темури Ботировга нисбатан "етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида" судга ариза билан мурожаат қилди.

Суд мажлисида П.Азимов бошқарувда бўлган "Нексия" русумли автомашинани бошқариб кетганлигини, Т.Ботиров уни тўхтатганлигини, инспектор ўзини таништирмасдан автомашинани ҳужжатларини талаб қилганлигини, ҳужжатларни бермаганлиги сабабли уни автомашинадан туширгандлигини, жавобгар Т.Ботиров автомашинасини миниб, жарима майдончасига олиб кетганлигини, ҳолат юзасидан прокуратурага мурожаат қилганлигини, бу иш бўйича қонуний асосда ишлар олиб бориладиган, бу ўртада унинг автомашинаси жарима майдончасида узоқ муддат қоллиб кетиши натижасида кўп миқдорда моддий зарар кўрганлиги сабабли маълум миқдорда тоовон пули ундиришини сўради.

Суд ишни батафсил ўрганиб, томонларни эшитиб, юқоридаги ҳолатлар ва қонуннинг маъзур талабига риоя этган ҳолда, даъвогарнинг моддий зарар ундириш ҳақидаги даъво талабини муҳокама қилиб, ушбу моддий зарар бўйича даъвогар томонидан исботловчи далиллари судга тақдим қилганлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогар фойдасига маълум миқдорда моддий зарар ундиришнинг лозим топди.

Шерзод ТЎХТАЕВ,  
фукаролик ишлари бўйича Қасби туманлараро суди раиси

Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ёши улуг инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, Ватанимиз равнақи ва юртимиз келажаги учун бекиёс ҳисса қўшган кексаларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, соҳага онд 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Нурунийларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Фахрий мураббий" ордени ва "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони таъсис этилди.

Барча ишловчи пенсионерларга пенсияни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди. Вилоятлар, туман ва шаҳарларда нурунийлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллаларда "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари ташкил этилди. "Кексалар ҳафталиги" ва "Кексалар учун туризм ойлиги"ни ўтказиш анъанага айланди.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Фармонга асосан ижтимоий ҳамжиҳатлик ва адолатчилик тамойиллари асосида кекса авлод вакилларининг ҳаёт сифати ва узок умр кўриш даражасини ошириш, уларга соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим, маданият ва транспорт тизимларидан кенг фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, нуруний ва кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.

Шу кунни қабул қилинган "Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент Қарори мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди.

Бундан ташқари, 2022 йил 15 мартда мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш мақсадида Президентимизнинг "Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам қабул қилинди.

Маъзур қарорга мувофиқ, қорхона ва ташкилотлардаги "Фахрийлар кенгашлари", фукаролар йиғинларидаги "Кексалар маслаҳати" гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, меҳнат фахрийларининг маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштиришдаги иштирокини кенгайтириш белгиланди. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтож

ХЕЧ КИМ  
меҳр ва эътибордан  
ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ!

бўлган кексалар ва нурунийларнинг ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш, кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида "Нурунийлар маскани" мажмуаларида ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тартиблар белгилан берилди.

Ушбу қарорга кўра, "Бир нуруний ўн ёшга масъул" тамойили асосида маҳаллалардаги ёшларнинг тарбияси ва ахлоқиди бўлган ижобий ўзгаришлардан келиб чиқиб, нуруний ва зиёдилар Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб борилиши белгиланди.

Шунингдек, маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириш, давомати, бандликка қўмақлаштириш марказлари томонидан фукароларни иш билан таъминлаш даражаси ва бошқа давлат хизматларининг кўрсатилиши бўйича нурунийларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Нурунийларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йил 1 апрелдан бошлаб ўзгалар парваршишга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштирилиши белгиланди. Бундан ташқари, эндиликда шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб, дори воситалари олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади. Оғир тахшиели касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган кексаларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб, дори воситаларининг 50 фоизигача бўлган суммаси компенсация сифатида тўлаб берилади.

Яна бир муҳим жиҳат — энди кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун абонемент харажатлари қопланади. Давлат театрлари ва музейларида кексалар учун чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилади.

Яна бир муҳим воқеа — кекса-ю ёш севиб томоша қиладиган "Оталар сўзи — аклининг кўзи" телекўрсатувни мазмунан бойитилган ҳолда, оилаларни муштахкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бўйича тасвирга олиниши белгиланди. "Нурунийлар маслаҳати", "Маҳаллада гурунг", "Ёшлар нурунийлар нигоҳида" руқни остида обрў-эътиборли кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасига бағишланган маърифий телекўрсатувлар ҳар кунни эфирга узатиладиган бўлди.

Бундан ташқари, ўзгалар парваршишга муҳтож бўлган ҳамда ёлғиз яшовчи кексаларни маънавий-руҳий ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги давлат органлари ва муассасаларининг малакали психологлар, фаол ёшлардан иборат бўлган волонтерлик гуруҳлари ташкил этилади. Улар ҳар икки ойда камиди бир маротаба ўзгалар парваршишга муҳтож бўлган ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиши белгиланди. Ушбу тадбирларни ташкил этишга ёшлар етакчилари шахсан масъул ҳисобланади.

Юртимизда нурунийларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ушбу тадбирлар уларнинг доимий эътибор ва эъзозда эканлигидан далолатдир.

Омон САТТОРОВ,  
фукаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлари суди судьяси

100 нафар ходимга  
рағбат пули ундириб берилди

Паркент туман маданият бўлими ходимлари иш ҳақида қўшимча сифатида кўп йиллик меҳнати учун берилиши лозим бўлган моддий рағбатлантириш тўлови тўланмаётганлигидан норози бўлиб туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаат туман адлия бўлими ходимлари томонидан ўрганиб чиқилганда ҳақиқатан ҳам маданият бўлими ходимларига иш ҳақида қўшимча сифатида кўп йиллик меҳнати учун тўланиши лозим бўлган моддий рағбатлантириш пули берилмаётгани маълум бўлди.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг 11-бандида, давлат хизматчилари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизими жорий этилганига қадар Маданият вазирлиги ходимлари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш жорий этилиши белгиланган.

Тўпланган ҳужжатларга кўра, туман маданият бўлимининг 100 нафар ходимига 776,6 миллион сўмлик иш ҳақида қўшимча сифатида кўп йиллик меҳнати учун тўланиши лозим бўлган моддий рағбатлантириш тўловларини ундириб бериш юзасидан фукаролик ишлари бўйича Юқоричирчик туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Даъво тўлиқ қаноатлантирилди ва туман маданият бўлими зиммасига ходимларга тўланмасдан қолган моддий рағбатлантириш тўловларини тўлаб бериш мажбурияти юклатилди.

Гулбой РАҲМОНҚУЛОВ,  
Паркент туман адлия бўлими бошлиғи